ЎзССР Давлат нашриёт
12 5 СЕН 199
ОПИСАНО

Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 186 (21. 053) 1991 йил 21 сентябрь, шанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.



ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА!

Айни кунларда Ўзбекистонимизнинг барча хўжаликларида асосий экинимиз — пахта ҳосили йиғиб-териб олинмоқда. Зеро, кўкламдаги табиат қийинчиликлари туфайли чигит экиш бирмунча кечикканди. Кўлгина майдонларда қайта-қайта уруғ қадашга тўғри келганди. Лекин ўз касбига садоқатли пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштиришди.

Бинобарин, пахта — мустақил республикамизнинг бебаҳо бойлиги. Эндиликда жумҳуриятимиз халқининг иқтисодиётини таъминлашда асосий ўрин эгаллайди. Шу боис у пахтани етиштирган халқни ва юртни бойитишда хизмат қилади.

Буни яхши билган пахтакорларимиз жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукуматининг тинимсиз ғамхўрлигини чуқур ҳис этиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда пахтакорларга ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қўлда терилган 1 килограмм юқори сифатли пахта учун 40 тийин, машинада терилган 1 тонна пахта учун 25 сўмдан ҳақ тўлаш ҳақидаги қарори ҳам ана шу ғамхўрликнинг ифодасидир. Шу муносабат билан пахтазорларда терим суръати тобора ошиб бормоқда.

Ушбу мавсумда Фарғона вилояти пахтакорлари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Ҳозир улар йиллик режанинг қарийб 26 фоизини бажариб қўйишди. Кунлик суръатда ҳам улардан ўзадиган вилоят йўқ. Айни пайтда бухороликлар ҳам суръатни тобора оширмоқдалар. Яқин кунларда Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларнинг азамат механизаторлари ўз тулпорларини далага олиб кириб, хирмонга янада барака киритишларидан умидвормиз.

Ҳозирча жумҳуриятимиз бўйича йиллик режанинг қарийб 10 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Агар ўтган йилнинг шу давригача 866219 тонна пахта тайёрланган бўлса, бу йил 426401 тонна ҳосил жамғарилди. Эндиликда барча вилоятларда суръатни янада оширишга тўғри келади. Йил бўйи тўкилган пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай, вақтида йиғиштириб олайлик!

Энди жумҳуриятимиз вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йилнинг 20 сентябригача бўлган маълумот билан танишинг:

Биринчи устун—вилоятлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, тўртинчи устун—бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун—мавсум бошидан буён машинада терилган пахта.

Фарғона	3,58	25,89	3,18	11,77
Бухоро	2,93	21,86	1,43	3,91
Хоразм	1,55	14,30	0,27	0,79
Сурхондарё	2,18	13,98	1,95	8,05
Қашқадарё	2,00	10,72	1,78	7,19
Қорақалпоғистон республикаси	0,94	4,65	0,62	1,66
Андижон	0,94	4,07	0,06	0,10
Наманган	1,10	3,91	0,39	1,25
Самарқанд	0,96	3,00	0,31	0,84
Тошкент	0,45	2,29	0,11	0,24
Сирдарё	0,43	1,46	0,30	0,71
Жиззах	0,36	0,75	0,33	0,53
Республика бўйича	1,55	9,59	0,89	3,09

ИЛК ҚАДАМ

● Элликқалъа районида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Ишни оқилона ташкил этиб, уюшқоқлик кўрсатаётган миришкорлар бирин-кетин ғалаба марраси-ни эгалламоқдалар.

Кеча райондаги Оржоникидзе номли давлат хўжалиги азаматлари уруғлик пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Пландаги 800 тонна ўрнига 805 тонна «Қизил равот» навли юқори сифатли пахта териб олинди.

Бу ютуққа Ўзбекистон халқ депутати Сандабдулла Бобожонов, Қўшабой Йўлдошев, Нуриддин Хўжаниёзов бошлиқ бригадаларнинг заршунослари баракали улуш қўшдилар.

К. РИХСИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот конференцияси



Матбуот конференциясида. (ЎзТАГ).

ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

● Аввал хабар берилганидек, 18 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Унда асосан чет эл мухбирлари, шу жумладан, Американинг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда айтилган фикрларни «Известия» рўзномаси бузиб кўрсатганлиги тўғрисида гап борди.

Суҳбатда республика ва марказий рўзномаларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, шунингдек, «Вашингтон пост» рўзномасининг, «Озодлик» радиостанциясининг мухбирлари ҳам қатнашдилар.

Матбуот ходимлари билан учрашув битта масалага бағишланиб ўтказилмоқда. — деди И. А. Каримов. — У ҳам бўлса, бугунги «Известия» газетасининг биринчи саҳифасида «Президент ўз республикасини демократияга тайёр эмас, деб ҳисобламоқда» деган сарлавҳа остида берилган мақола ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим.

Бу мақолани «Известия» рўзномасининг шу йил 14 сентябрь сонида эълон қилинган Валерий Вижутовичнинг «Узиб қўйилган вагон» сарлавҳали материалининг давоми деса бўлади, чунки бу иккала мақола бир-бири билан узвий равишда чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, айни бир мақсадни кўзлайди.

Ҳа, шундай. Бугунги мақола ҳам тўқиб чиқарилган турли-туман уйдирмалар билан суғорилган, унда фактлар бузиб кўрсатилган. Бундан мақсад ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг обрўсига қандай бўлмасин доғ туширишдан иборат.

Масалан, унда Ўзбекистон Президентининг айтган гапларини, уларнинг мазмунини ҳам, мақсадини ҳам ўзгартириб, кераксиз, ноўрин фактларни ишлатиб, Ўзбекистоннинг мустақил республика бўлишига асос йўқ, унинг мустақиллиги бугунги кунда, бугунги шароитда керак бўлмаган нарса, бунақа мустақиллик ҳеч кимга зарур эмас ва республика халқлари, асосан ўзбек халқи учун бундай мустақиллик керак эмас, деган фикрларни тиқиштиришга ҳаракат қилинган. Умуман айтганда, одамларнинг мустақилликка бўлган муносабатини қандайдир йўллар билан чалғитишга, ана шу масалаларда ўз қарашларини кишилар онгига сингдиришга ҳаракат қилинган.

Мақолада Ўзбекистон Президентининг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги материалларида баён қилинган бир қатор асосли фикрлари ўз аксини топмаган. Улар атайлаб тушириб қолдирилган. Масалан, мақолада «Ўзбекистон Россия Федерацияси ва Украинадан кейин СССРдаги учинчи республикадир. Лекин у энг қашшоқ республика бўлиб, экономикаси пахта хом ашёсидан келадиган даромадгагина қараб қолган ва унинг йиллик даромади жон бошига ўртача қарийб 1200 сўм (2160 доллар)ни ташкил этади. Бу эса мамлакатдаги ўртача даромаддан икки марта камдир», деган жумлалар ташлаб кетилган. Мақолада, шунингдек, менинг: «Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ўз хусусиятларига эга, биз ўзимиз танлаган йўлдан борамиз, жазавага тушиш ва нарх-навога бутунлай эрк бериш бизнинг шароитимизда ҳеч қандай наф келтирмайди», деган гапларим атайлаб чилпиб ташланган. Бундай мисолларни яна айтишим мумкин.

Ўзбекистон Президенти суҳбат чоғида ана шу чалкаш мақола юзасидан «Известия» рўзномасининг раҳбарияти билан сўзлашиб, унга ўз норозилигини баён қилганлигини, рўзнома бош муҳаррири бу масалани, албатта, синчиклаб ўрганиб чиқишини айтганлигини таъкидлади.

И. А. Каримов шуни алоҳида айтиб ўтдики, ҳар қандай мамлакатнинг ва ҳар қандай республиканинг мустақиллиги уларнинг ички ишидир, албатта. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ, ҳар бир республика ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Республика мустақиллиги ва унинг СССР таркибидан чиқиши Иттифоқ шартномаси ҳамда мустақил давлатлар шартномаси лойиҳасида айтиб ўтилган туб масалалардан бири эканлиги эслатиб ўтилди.

Республикамиз Олий Кенгаши Мустақиллик декларациясига амал қилиб, республикамизнинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Республика Президенти журналистларнинг эътиборини иқтисодий шартноманинг аҳамиятига ва ана шу шартномани имзолаш зарурлигига қаратди. У ҳар қандай шароитда таркиб топган иқтисодий алоқаларни сира ҳам узмаслик кераклиги, иқтисодиёт бугунги кунда барчага ҳаводек зарур эканлиги тўғрисида гапирди.

— Ўзбекистоннинг ўз йўли бор, — деди суҳбат давомида И. А. Каримов. — Бу йўл — мустақиллик йўли, бирдан-бир тўғри йўлдир. Ана шу танлаб олинган йўлдан орқага қайтиш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда худудий бирлигини ҳимоя қилиш мақсадларида республикамизда Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия тузилганлиги, унинг вазифалари тўғрисида гапирилди.

Республика аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, ўқитувчилар тўғрисида янада кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уларга қулай имкониятлар яратиб бериш, ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг билимдон бўлишларини таъминлаш, иқтидорли йигит-қизларни илм олиш учун ҳорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, шунингдек, кўппартиявийлик, халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш сингари масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

И. А. Каримов жаҳон матбуоти зўр таъсир кучига эга бўлиб, биз ана шу матбуот орқали ўз сиёсатимизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз, чет мамлакатлар билан бу соҳада мустаҳкам алоқа боғлашимиз кераклигини, шу мақсадда Ўзбекистон ахборот агентлигининг ишини кучайтириш лозимлигини, бу агентлик бундан буён мустақил ташкилотга айланиб, унинг чет мамлакатларда ҳам ўз мухбирларига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

• Чорраҳадаги суҳбатлар

● Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан элимиз мамнун. Истиқлол шабадаси эсаётган кунларда одамларнинг кайфияти ўзгача. Улар келажакка умидвор нигоҳ ташлашмоқда. Мухбирларимиз азим Тошкентнинг гавжум жойларида бўлиб, шаҳарликларнинг мустақиллик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқишди.

ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ЧАНГИ ЧИҚМАС

Зокиржон АЗАМАТОВ,
Тошкент Давлат дорилфунунининг амалий физика лабораторияси мудири;

— Ўзбекистон Республикаси мустақил. Маълумки, хушхабар ҳамиша тез тарқалади. Бу қувончдан биз ҳам баҳраманд бўлдик. Зеро, бу мустақиллиги-ни қандай қилсак мустаҳкамлаймиз, қайси йўл билан асраймиз? Ана шу мулоҳазалар назаримда кўпчиликда пайдо бўлди. Боиси, истиқлол шабадасининг барқарор бўлиши учун қараб туриш ярамайди. Бундан буён мустақилликни сақлаш учун катта курашга чоғланишимиз керак. Халқимизда, «ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас» деган нақл бор. Ўзбекистон тенглар ичида тенг республикага айланмоғи керак. Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан қаддимизни ростлайдиган пайт келди.

АСЛ ФАРЗАНДЛАР КЕРАК

Абдуманнон ОЛИМБОЕВ,
Урта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

—Республикамизда мустақилликка чинакам эришиш учун биз ўз даврида арзигули ютуқларга ҳам эришдик. Айни пайтда халқнинг ижтимоий турмуш тарзини мига диплом олган ёшларга келажакнинг етук кадрлари деб, қарай оламизми? Бундай мутахассислар мутасадди бўлганларида, «Беришни ўрганган, олишни ҳам биладида» қабилида иш тутмайдилар, деб кафолат бераоламизми? Демак, мустақил Ўзбекистонда уддабурон, ишбилармон кишиларни камолга етказиш, шарқона, пок, ҳалол, инсофли бўлиш ҳақида кўпроқ қайғуришимиз зарур, деб биламан.

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Зотан, ёлғиз ҳаракат қилмай, Ўрта Осиё республикалари билан иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашимиз зарур бўлади. Бир-бирига қондош бу элатлар қадимда ҳам бир осмон тагида яшаганлар, бир мақсад сари интилганлар, имон-эътиқодлари ҳам бир бўлган. Бугунги кунда камарбасталик билан елкама-елка туриш, бир-бирини қўллаш айни муддаодир. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг нуфузи ҳорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқада ҳам янада кенгайиб боради.

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Имомқул ҲАМРОҚУЛОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

— Мени ҳамиша бир фикр қийнайди. У ҳам бўлса, ким эдигу, ким бўлдик, деган сўров. Бунинг жавоби бугунги кунда мустақиллик шабадаси эсаётган кезларда топилса, ажаб эмас. Мен мустақил республиканинг келажагини кўпроқ ўйлайман. У қандай бўлиши керак? Ўзбекистон республикасини келажакда кимлар бошқаради? Бу ишларга ҳозирги кундан замин қўйишимиз керак. Менимча ҳаммаси мактаблардан, олийгоҳлардан бошланади. Маошдан ташқари даромадли касбни танлашдек иллатдан қутилиш пайти келди.

Бундай касаллик аввало порахўрлик ва пўттибозликдан бошланади. Шарқона анъаналар ва қадриятлар ҳамда маданий мероси ҳақида қайғураётган халқимиз энди азалий турмуш тарзини касб этиши лозим. Оиладан бошлаб, ҳамма жойда хушомад билан самимиятни фарқлашга ўрганишимиз керак. Шунда ўзбекнинг қадри янада ортаверади. Қардошларимизга биродарларча муомала бўлаверади. Яна бир гап. Олийгоҳларга (бор гапни айтишимиз керак) пул билан кириб, нажаҳон миқёсидаги талаблар даражасида такомиллаштириш борасида кечириб бўлмайдиган қўпол ҳатоларга ҳам йўл қўйдик. Эндиликда чуқур ва атрофлича ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, олдимизда талай машаққат ва қийинчиликлар турибди. Уларни енгиб ўтишнинг ўзи бўлмайди. Жон куйдириб ишлашнинг ўзи ҳам камлик қилади. Бунинг учун биринчи навбатда республикадаги барча миллат халқлари чинакам ака-укалар, оға-иниларидек бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, тинч ва тотув яшамоқлари керак.

Болалик чоғимда ўқиган китобларимдаги эртаклардан бирида шундай ривоят ёдимга келиб қолди: қадим замонларда, уч она кўза кўтариб булоқ бошига бориб қолишибди. Улар сув баҳона ўзларининг дарду ҳасратлари, уй-рўзғор аҳволлари ва фарзандлари ҳақида роса гаплашиб ўтиришибди. Ана шунда биринчи она ўзининг ўғли ғоятда шира овозли ва моҳир хофиз эканлигини мақтаб кетибди. Иккинчи она эса ўғлининг тонг саҳарда хиргойи қиладиган булбулдек овоз билан ғоятда нафис наво қилишини айтиб берибди. Учинчи она эса ўғли ҳақида лом-мим деб оғиз очмабди. Худди шу пайт учала ўғил ҳам булоқ бошига келиб қолишибди. Биринчиси жўшиб қўшиқ айтибди, иккинчиси булбул бўлиб сайрабди. Учинчиси эса онасининг сув тўлдириб қўйган кўзасини елкасига кўтариб, уйи томон илдам юриб кетибди. Ривоятдан хулоса қилиб айтмоқчиманки, бизга шу мустақилликка эришган ва оғир кунларимизни енгиб ўтадиган бир пайтда онасини сув тўлдириб қўйган кўзасини елкасига қўйиб кўтариб кетадиган садоқатли, одобли ва абжир, асл фарзандлар жуда ҳам керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримов колхозлар, совхозлар, деҳқончилик, фермерлик ва бошқа хўжаликларнинг гуруч, маккажўхори дони ва жун тайёрлашни ва давлатга топшириши кўпайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ўз қарори билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ана шу турларига амалдаги харид нархларини кўтарди.

1991 йил ҳосилидан бошлаб гуруч (оқланмаган) нархи ўртача икки баравар, маккажўхори дони нархи эса бир ярим баравар оширилди. Шу йилнинг 1 сентябридан жуннинг амалдаги харид нархлари 1,75 баравар ошириди.

Бу тадбир колхоз ва совхозларнинг моддий техника ресурсларига тобора ошиб бораётган харажатлари ўрнини қоплаш, хўжаликларнинг рентабелли ишлаши ва давлат жамғармаларига гуруч, маккажўхори ва жун етказиб бериш учун шароит яратиш мақсади билан боғлиқдир.

Қабул қилинган қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан, вилоят ижроия комитетларидан, Қишлоқ хўжалик вазирлигидан, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясидан, «Узплодоовощпром»дан, республика деҳқончилик саноати комплексининг бошқа вазирликлари ва идораларидан республика ҳукумати тасдиқлаганидан кам бўлмаган ҳажмларда гуруч, маккажўхори дони ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида тайёрлаш ва давлатга топшириш юзасидан чора-тадбирлар кўришни талаб этади.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

ҲАМКОРЛИК

20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Тошкентдаги Ҳиндистон савдо кўргазмаси тантанали суратда очилди. Бу кўргазма Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида эришилган битим ва Ҳиндистон савдо ярмаркалари бошқармаси билан Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ҳужжатга мувофиқ ўтказилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ҳиндистон савдо ярмаркалари бошқармаси раиси М. Рўза нутқ сўзладилар.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари А. Гош, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси А. Гонсалвес, Ҳиндистон иқтисодиёт вазири Н. Сен, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули А. К. Мукержи, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

65 та етакчи фирма ва компаниянинг моллари намойиш этилаётган Ҳиндистон савдо кўргазмаси сентябрь ойининг охиригача давом этади.

(ЎзТАГ).

Эшитмадим, деманглар

Республикамизда

МАРДЛИК — МАНГУЛИК ЭКАН

● НАМАНГАН. Норинликлар Тўда қишлоғида туғилиб ўсган Солижон Адашев билан фахрланадилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига эга бўлган бу азиз инсон тўдаликлар меҳрини қозонган эди.

Яхшилик ерда қолмайди, мардлик унутилмайди, деганлари рост экан. Ҳамқишлоқлар қаҳрамоннинг номини абадийлаштиришга аҳд қилишди. С. Адашев ўқиган, муаллимлик қилган 20-ўрта мактабга, Ҳаққулобод шаҳридаги кўчалардан бирига ҳамда 16-ҳунар-техника билим юртига қаҳрамоннинг номи берилиб, савобли иш қилинди.

УЙДА СИГИРИНГ БЎЛСА...

● ҚАШҚАДАРЁ. Соғин сигирли бўлишга нима етсин. Сут, қатиқ, қаймоқ дегандай... Оила фаровонлигининг ана шу томонини ҳисобга олган мутасаддилар жаъми 211 сигирни хонадонларга тарқатишди.

Бундай хайрли ишга Дзержинский номли давлат хўжалиги 40 бош, «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиги 34 бош, «Партия XX съезди» давлат хўжалиги 25 бош ғунажин ва сигирлар сотиш билан муносиб ҳисса қўшдилар.

ХАТ МУАЛЛИФЛАРИ: О. Мусаев, Ж. Юсупов.

Мамлакатимизда

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ

● Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг номи ўзгарди. У эндиликда Беларусь Республикаси деб аталади.

Мустақил давлатнинг Олий Кенгаши унинг янги номини тасдиқлади. Давлатнинг янги рамзлари — байроғи ва герби қабул қилиш қийинроқ бўлди.

Беларусь Республикаси Олий Кенгаши республика Олий Кенгашининг Иттифоқ Кенгаши билан республикалар кенгашига вакил қилиб юборадиган халқ депутатлари таркибини тасдиқлади.

МУКОФОТ ОЛТИН СИФАТИГА БОҒЛИҚМИ!

● Тасодифни қаранг, Эски уй олдида ишлаётган экскаваторчи кўримсиз шиша идишни топиб олди. Унинг ичида олтин тангалар бор экан.

Могилев-Подольск шаҳрида ўтган асрнинг охирлари ва асримизнинг бошларида зарб қилинган олтин тангалар топилганлиги маълум бўлди. Хазинанинг умумий оғирлиги 3 килограмм 232,5 грамм чиқди. Экскаваторчига бериладиган мукофот ҳақи олтиннинг сифати аниқланганидан сўнг белгиланади.

Хорижда

БОЛТИҚБЎЙИ ШАҲАРЛАРИ АНЖУМАНИ

● Варшава, Гданьск шаҳрида Болтиқбўйи шаҳарларининг анжумани очилди.

Унда Германия, Дания, Латвия, Литва, Норвегия, Польша, Совет Иттифоқи, Финляндия, Эстония ва Швециядаги қирғоқ яқин шаҳар вакиллари қатнашмоқдалар.

СССРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

● Бонн. ҒФР концлери Гельмут Коль билан Испания ҳукуматининг раиси Фелепе Гонсалес Маркес Совет Иттифоқига ёрдам беришни кўпайтириш зарур деган таклиф билан чиқдилар.

Берлинда ўтадиган Социалистик Интернационал раёсатининг мажлисида қатнашишга бораётган Маркес Боннда қисқа муддатга тўхталган чоғида шу ҳақда фикрлашиб олинди.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

● Белград. Олинган хабарларга қараганда, ўт очишни тўхатиш тўғрисидаги навбатдаги битим имзоланган бўлишига қарамай Югославия армияси бўлинмаларн билан Хорватия отрядлари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Госпич шаҳрида бўлган қаттиқ тўқнашувлар қўл жангигача борib етди.

[ТАСС хабарлари асосида].

• *Фармон ва ижро*

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қурбон Ҳақбердиев доимо одамлар орасида бўлиб, меҳнаткашларнинг дардини тинглайди, етарли шароит яратиб беришга интилади.

МУҲИМИ— ҒАМХЎРЛИК

— Биз бошқарув, партия, касаба уюшмаси қўмиталари ҳамкорликда «Ғамхўрлик» дастурини ишлаб чиқдик. Шунга асосан колхозчи пенсияга чиқаётганда хўжаликда 20 йилдан зиёд ишлаган бўлса 1500 сўм пул, тўн, фахрий ёрлиқ берилади. Ҳозиргача пенсияга чиққанларга 14 минг сўм пул берилди, — дейди Қ. Ҳақбердиев.

Жамоа хўжалиги далалари ва фермаларида ишлаётганларга беш йилдан буён бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Бу мақсадлар учун йилига 81,6 минг сўм сарфланяпти.

Шунингдек, турмуш қураётган ёшларга агар иккаласи ҳам хўжаликда ишласа, беш юз сўм, биттаси ишласа, 250 сўм олади. Никоҳдан ўтган 22 нафар ёшга 5500 сўм берилди. Тўйларга сабзавот, мева тўёна қилинади. Беш йилдан буён колхоз ҳудудида яшаётган одамларга дафн маросими учун 250 сўмдан ёрдам кўрсатиляпти.

Орден ва медалларга сазовор бўлганлар алоҳида ҳисобда туради. Шу йилдан бошлаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига олтмиш сўм, Ленин ордени соҳибларига эллик сўм, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденларига сазовор бўлганларга қирқ сўм, Халқлар Дўстлиги ордени олганларга ўттиз сўм бериляпти.

Яқинда хўжаликда «Хизмат кўрсатган колхозчи» унвони таъсис этилди. Икки юз киши ана шу унвонга муяссар бўлди. Унвонли колхозчилар йилига икки юз сўмдан, ойлик иш ҳақларига эса йигирма фоиздан қўшиб олишяпти. Бунинг учун йилига 58744 сўм ажратилмоқда. Болалар боғчаларига қатнаётган кичкинтойлар ота-оналаридан пул олинмайди.

— Айтингчи, республика Президентининг қишлоқ меҳнатчилари манфаатларини кўзлаб чиқарган Фармонлари қандай бажариляпти?

— Кейинги уч йил ичида 715 оила томорқа олди. Бултур уй қуриш учун колхозчиларга беш юз минг сўм қарз берилди. Деҳқонларимиз оғирини енгил қилиш учун ҳар йили 1000—1200 кубметр ёғоч келтириб беряпмиз. Заводимизда йилига тайёрланаётган уч миллион дона хом ғишт колхозчиларга сотилмоқда.

Шу ўринда жамоа хўжалигимизда турар-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишига эътибор кучайганлигини айтиб ўтмоқчиман. Бултур учта икки қаватли ҳамда ўн иккита тўрт хонали турар-жой, икки қаватли маиший хизмат уйи, 160 ўринли боғча, 440 ўринли мактаб биноси қирилди. Ўтган йили 76 минг сўм сарфланиб, Ҳожимайдон, Лайлакон, Даҳяк қишлоқларига сув қувурлари ётқизилди. Қишлоқларнинг ҳаммаси тоза ичимлик сув билан таъминланди. 17 километр узунликда газ қувурлар ишга туширилди. Тезгузар, Катта Новқат қишлоқлари, вилоят кўз касалликлари шифохонаси газлаштирилди. Олтита қишлоқда қариялар чойхонаси фойдаланишга топширилди. Марказий ва ички йўллар асфальтлаштирилди. Қисқаси, ўтган йили қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 2,3 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу йил ҳам ана шу ишларга икки миллион сўм ажратилди.

Бултур ва бу йил Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига юз сўмдан пул ва икки юз килограммдан арпа бепул берилди. Колхозчиларга ҳам юз килограммдан ғалла беряпмиз.

— Кейинги йилларда колхозда даромад қандай бўляпти?

— Колхозчиларимиз фаровонлик манбаи фақат меҳнатда эканлигини яхши билишади. Биз асосий эътиборни ҳамма кучларни бирлаштириб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратмоқдамиз. Бу ўз навбатида яхши натижаларга олиб келмоқда. Ўтган йили барча соҳалардаги режалар ошириб бажарилди. Шу боисдан ўн миллион 929 минг сўм даромад олинди. Фойда эса икки миллион 346 минг сўмни ташкил этди. Бу ютуқларга колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошаётганлиги, хўжалик ҳисоби, бригада пудрати ва бошқа илғор усуллар жорий этилганлиги туфайли эришилмоқда. Ҳозир колхоз ҳисобида саккиз миллион сўм пул бор.

— Ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳудудимизда қарийб 21 минг киши яшайди. Колхозда эса уч минг киши ишламоқда. Биз одамларни иш билан таъминлаш мақсадида кичик корхоналар ташкил этмоқдамиз. Масалан, иккита автосервизда енгил машиналар ремонт қилиняпти.

Шунингдек, йилига 15 миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаб чиқарадиган консерва заводи қурилади. Бу корхонада беш юз киши ишлайди, деган гап.

Яқин орада пишлоқ цехи қурилиши ҳам ниҳоясига етади. Цех ускуналари Австриядан келтирилмоқда.

Демак, колхозчиларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилинса, талаблари қондирилса, ишлаш ва яшаш учун шароит яратиб берилса, улар ҳамма жабҳада иштиёқ билан меҳнат қилиб, мўл-кўл маҳсулот ишлаб чиқаришга эришадилар. Бундай хўжалик эса иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлаверади.

С. РУСТАМОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ



Ҳозир ғарқ пишиқчилик палласи. Ўлкамиз ноз-неъматлари эл дастурхонига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бунда қўли гул бободеҳқонларимизнинг астойдил қилган меҳнатлари ўз самарасини бермоқда.

Болобек Зуддиев ўттиз йилдан буён тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузлар етиштириб келади. Нарпай районидаги «Москва» жамоа хўжалигида уни танимаган киши йўқ. Бу йил ҳам пайкалларда мўл-ҳосил етиштирилди. Ҳозир айни ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт. Етилган қовун-тарвузларни тезроқ эл дастурхонига тортиш бободеҳқоннинг эзгу муддаосидир.

...Қиш ғамини ҳозирдан емаган эртага «аттанг» деб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам Учқўрғон районининг кооператив тайёрлов савдо бирлашмаси ходимлари қиш мавсумига астойдил ҳозирлик кўришяпти. Аҳолини, шунингдек шифохоналар ва болалар боғчаларини сархил сабзавот маҳсулотлари билан бутун қиш бўйи таъминлаш учун бир минг тоннадан зиёд маҳсулотлар жамғариб қўйишга интилишяпти. Бирлашма директори Абдувоҳид Шерматов [ўртада] тайёрловчилар Мамадали Еқубов ва Шамсиддин Ҳасановлар билан қиш мавсумига жамғариб қўйилган пиёзлар сифатини кўздан кечиряпти.

Т. НОРҚУЛОВ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Туркия Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий департаменти бош директори Б. Шимшар бошчилигидаги Туркия Жумҳурияти Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Ўзбекистон турмуши билан танишди.

19 сентябрь куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов қабул қилди.

Меҳмонлар янги шароитда республиканинг ривожланиш истиқболлари билан таништирилди. Б. Шимшар Туркия Жумҳурияти Президенти Тургут Озалнинг Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон халқига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга йўллаган оғзаки табригини топширди.

Ҳар икки томондан ўзаро манфаатли савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш муддаоси изҳор қилинди.

Шу куни Туркия Ташқи ишлар вазирлиги делегациясини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова қабул қилди.

БИЛИМЛАР МАНБАИ— КИТОБНИ СЕВИНГ

Республика «Китобхон» китобсеварлар жамияти Ўзбекистоннинг энг кўп сонли жамоат ташкилотларидан биридир. У 2 миллиондан зиёд кишини бирлаштирган. Турли китобхонлар конференциялари, янги китоблар билан таништириш, кўргазмалар, ёзувчилар, ношиблар, китоб иши мутахассислари билан суҳбатлар китобни тарғиб қилишга, халқнинг маданий қадриятлари ва маънавий салоҳиятини тиклашга ёрдам беради. Шунга қарамай, ҳаётнинг кўрсатишича, қўлгина нашрлар сотиб олинмаяпти, одамларда ўқишга қизиқиш пасаймоқда, улар дунёқарашни кенгайтириш, билимларини бойитиш ҳақида ғамхўрлик қилмаётирлар. Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш зарур.

19 сентябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Китобхон» жамияти бошқаруви пленуми қатнашчилари бу вазифани биринчи даражали вазифа деб атадилар. Тўпланганлар кўпгина нашрлар қимматлашган, қоғоз нархи ошган ҳозирги шароитда китобларни тарғиб этиш ва тарқатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Нотиқлар болалар адабиёти етишмаётганлиги, дарсликлар тақчил эканлиги, ўзбек тилида бадиий нашрлар етарли миқдорда чиқарилмаётганлиги ҳақида алоҳида ташвиш билан гапирдилар.

Жамият Низомининг республика Адлия вазирлигида рўйхатга олиниши ҳақидаги ахборот ҳам муҳокама қилинди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум қатнашчилари кўп йиллар мобайнида жамиятга раҳбарлик қилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломга миннатдорчилик билдиришди. «Китобхон» жамияти раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Ғ. П. Пўлатов жамият бошқаруви раиси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

• *Янги нашрлар*

«БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ»

Халқимизда бола бошидан деган нақл бор. Мустақил республикамизнинг бугунги куни бола тарбияси билан мунтазам шуғулланишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бу борада кўпгина хайрли ишларни амалга ошир япти.

Яқинда вазирлик ташаббуси билан «Бошланғич таълим» илмий-методик ойномаси ташкил этилди Бола тарбияси билан шуғулланувчиларга яқин кўмакдош бўлгувчи бу ойнома 1992 йилдан бошлаб нашр этила бошлайди. «Бошланғич таълим» ойномаси бошланғич синф ўқитувчилари, шунингдек барча тарбиячиларнинг ҳам дастурига айланади.

— Ойномани ташкил этишдан мақсад, — дейди унинг бош муҳаррири — тажрибали журналист, филология фанлари номзоди Ўтамурод Нурмуҳамедов, — бошланғич синф ўқитувчилари, куни узайтирилган гуруҳлар тарбиячилари, олий ва ўрта педагогика билим даргоҳларининг ўқувчилари, талабаларига ва ўқитувчи-олимларга Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган тематик йўналишлар, тарбиявий иш режалари, дастурларни муштарийларга мунтазам етказиб беришдир. Ойнома оммабоп илм ва тарбия ўчоғи бўлиб қолишига эришиш ниятидамиз.

Маълумки, халқимиз бола тарбиясига оид жуда кўп ҳикматли панд-насиҳатлар, шарқона ахлоқ-одоб, тарбия тажрибасига эга. Аждодларимизнинг жуда кўплаб фозиллари бола тарбияси ҳақида жуда бой мерос қолдирганлар. Асримизнинг бошларида ижод этган маърифатпарвар, мутафаккир ва олимлардан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Саидакбар Сиддиқий, Саидрасул Саидазизов, Ибрат Тўрақўрғоний, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Шокиржон Раҳимий, Оқилхон Шарофиддинов, Қаюм Рамазонов ва бошқалар ижодидан намуналар бериб бориш режалаштириляпти.

Шуни эътироф этиш керакки, шу кунгача «Совет мактаби» ойномаси болалар ва ўқувчи ёшлар тарбиясига оид масалаларни ёритиб келди. Лекин халқимизнинг урф-одатларидан йироқ, халқ педагогикасига мос тушмаган услуб ва дастурларнинг ёритилиши бола тарбияси билан шуғулланувчиларни анча қийнади. Ўйлаймизки, янги ташкил этилган «Бошланғич таълим» бундай иллатлардан холи бўлиб, бола тарбиясининг шарқона усуллари, халқ педагогикасини тарғиб қилувчи муҳим мавзудаги масалаларни қаламга олади.

М. ИБРОҲИМОВ.

БАРҚАРОР ИШЛАШ ШАРТИ

• «КОМПРЕССОР» ЗАВОДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Республика пойтахтидаги «Компрессор» заводи жамоаси ўз олдига битта мақсадни қўйган. У ҳам бўлса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар конструкциясини такомиллаштириш ва улар сифатини яхшилашдан иборат. Ишчилар бу йўлда тўхтаб қолаётганлари йўқ. Яқин да улар юқори унумли компрессор станцияларининг янги авлоди — ПР-12 10,7 ҳамда ПР-8—0,7 маркали станцияларни синовдан муваффақиятли ўтказишиб, «аъло» бахога сазовор бўлишди. Қувончлиси, тармоқлараро комиссия томонидан бу станциялар жаҳондаги энг яхши шундай компрессорларга рақобат қилиши мумкин, деган хулосага келинди.

Шу кунларда корхона ўзининг ярим асрлик тўйини нишонламоқда. Аслида завод тарихи даҳшатли уруш йилларига бориб тақалади. Запорожье шаҳридан кўчирилган машинасозлик заводининг сўнгги асбоб-ускуналар ортилган состави Ўзбекистон пойтахтига 1941 йил 20 августида келган эди. Ўшанда Нижнеднепровскнинг «Светофор», Москванинг «Красний путь» заводлари ҳамда Туладаги машинасозлик заводининг цехи у билан бирлашиб, ҳозирги компрессор корхонасини ташкил этдилар.

Уруш йиллари корхона олдига мураккаб вазифа — 120 миллиметрли миналар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, ва айни пайтда темир йўл вазирлиги учун хилма-хил ноёб асбоб-ускуналарни тайёрлашни давом эттириш вазифаси қўйилган эди.

1945 йил бошларида гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозониш ҳеч кимда шубҳа туғдирмагач, Тошкентдаги машинасозлик (ўша пайтда «Компрессор» шундай деб аталарди) заводи ўзининг доимий йўлини топиб олди. Чунончи, икки цилиндрли компрессорларнинг бир неча турини ишлаб чиқаришга ўтди. Ўшанда марказдан Тошкентга Америкада тайёрланган тўққиз кубли компрессорни юборишиб, шундай машинани, ишлаб чиқишингиз керак, деб топшириқ беришди. Мутахассислар уни бўлак-бўлакка ажратиб, маҳсулот тайёрлаш технологиясини ўргандилар.

Бундан қирқ беш йил муқаддам корхонада элликдан зиёд номдаги маҳсулотлар — компрессор, турли дастгоҳлар, паровозлар, тепловозлар, вагонлар таъмири учун мосламалар ва эҳтиёт қисмлар, темир йўл транспортини, шунингдек йўлларни тиклашга ишлатиладиган буюмлар тайёрланарди.

Кейинчалик Америкадан тилла баҳосига сотиб олинадиган тўққиз кубли компрессорларни тайёрлаш ўткир муаммога айланди. Корхона шундай маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослаша борди. Узоқ машаққатлардан сўнг, мана шундай компрессор станциясининг дастлабки туркуми тайёрланди.

Эллигинчи йилларнинг бошларида завод экспорт учун КС—9 компрессор станцияларини ишлаб чиқаришга ўтди.

Дарҳақиқат, Тошкент тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган компрессорларнинг бозори чаққон эди. Москвадагилар у ёки бу корхонада бирон бир маҳсулотни ишлаб чиқариш мушкуллашса, Ўзбекистон пойтахтидаги заводга беринглар, у ердагилар юзингизни ерга қаратмайдилар, дейишарди.

60-йилларда корхона ҳозирги «Компрессор» номини олди. Бу пайтда «Ниихиммаш» бош лойиҳалаш институтида роторлик кўчма компрессор станциясининг модели яратилган эди. У ўзининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларига кўра жаҳондаги энг яхши намуналардан қолишмасди. Янги станция неча-неча чиғириқлардан ўтиб, жаҳон бозорига йўл олди. Шу компрессорни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёнида корхонада техникавий инқилоб юз берди, десак муболаға бўлмас. Корхона маҳсулотларини 45 та хорижий мамлакат сотиб оларди. Завод бу соҳада мамлакатда ҳақли равишда биринчи ўринга чиқиб олди. Ўша пайтда станция саккиз минг соат ресурсга эга бўлган бўлса, ҳозир унинг қувати 14 минг соатга тенгдир.

Бугунги мураккаб шароитда ҳам «Компрессор»чилар турдош корхоналарнинг хом ашёни ўз вақтида етказиб бермаслиқларига қарамай ўтган йилги давлат буюртмасини уддалашга эришдилар. 24 миллион сўмлик товар маҳсулоти тайёрланиб, беш ярим миллион сўмлик даромад кўрилди. Бу нарса корхонага ҳозир барқарор ишлаш имконини бермоқда. 1991 йилга белгиланган давлат буюртмаси эса ниҳоятда оғир. Жами маҳсулотларнинг 69,3 фоизи шартнома асосида харидорларга юборилиши керак.

Дарвоқе, завод режани бажариш учун таъминотчилар билан бевосита алоқалар ўрнатган. Ревда шаҳридаги машинасозлик, Челябинск рессор заводлари шулар жумласидандир. Санкт-Петербургдаги илмий-тадқиқот институтларидан бири билан, шунингдек Олтой моторсозлик заводи билан мустаҳкам борди-келди бор. Улар ПР-12 станцияси учун янги двигатель яратиб беришди.

СССР геология вазирлиги корхоналари билан қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этилган. Болгариянинг Пештера шаҳрида қўшма сервиз корхонаси ишлаб турибди. У барча компрессорларни ишга туширади ҳамда машина ускуналарининг ремонтини таъминлайди.

Компрессорларга хизмат кўрсатиш шохобчалари бизнинг мамлакатимизда ҳам ташкил этилмоқда. Улар бу йил 800 минг сўмликдан кўпроқ ҳажмда хизмат кўрсатадилар. Ҳозир корхонада буюртмачилар материалларидан машиналар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Бугунга келиб, компрессорчилар истеъмол бозорини кўпроқ буюмларга тўлдириш мақсадида турли имконият ва резервларни ишга солишяпти. Жумладан, корхонада компрессорларни капитал ремонт қилиш участкаси ташкил этилган. Бу ерда ҳозиргача 400 та машина тикланди. Йил охиригача бу кўрсаткични икки баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Кейинги ўн йил ичида «Компрессор» ишлаб чиқаргган машиналарнинг деярли ҳаммаси давлат сифат белгисига эга. Шу боис улар 1974 йили Германияда, 1990 йили Польшада ўтказилган халқаро ярмаркаларда юқори баҳога сазовор бўлди. Кўпгина ечимлар муаллифлик шаҳодатномаси билан тақдирланган. Компрессорларнинг бир неча тури СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медалини олди. Завод маҳсулотлари бир қатор техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича машҳур «Демаг» (Германия), «Сулайр корпорейшн» (АҚШ), «Атлас копко» (Белгия) каби фирмалар маҳсулотларидан устун туради.

И. АЛИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.



СУРАТДА: корхонанинг илғор йиғувчи-чилангарларидан (чапдан) бригада бошлиғи Шуҳрат Хўжаев, Ҳамидулла Мирсодиқов ва Комил Муҳиддинов.

Р. ШАМСУТДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).

• *АНЪАНА*

ШАҲАР БАЙРАМЛАРИ

Инсонлар каби ҳар бир шаҳарнинг ҳам ўзига хос тақдирлари, анъаналари ва байрамлари бор. Хоразм вилояти марказининг бу жиҳатдан бошқа шаҳарлардан ажралиб турадиган томонлари нимада?

ЁШИДАМИ? У эндигина 344 йиллигини нишонлади. У оқсоқол Хива ва қўҳна Урганч қошида бамисоли неварага ўхшайди-ку. Лекин бундан урганчликлар ҳафа эмас.

МЕЪМОРЧИЛИГИДАМИ? Бундай десак у на Хивага, на Бухорою Самарқандга ўхшайди. Шаҳарда қадимий шарқона обидалар ҳам йўқ. Бироқ кейинги пайтда у кундан-кунга кенгайиб бораяпти. Шаҳар табиатига кўп қаватли бинолар унчалик ўтиришмаса ҳам бу табиий тақозо. Шу боис бу ерда якка тартибдаги уй-жой қурилишига кўпроқ эътибор бериляпти. Сўнгги тўрт йил мобайнида аҳоли қарийб 100 минг квадрат метрли ҳовли-жойларнинг эгаси бўлди.

ЁКИ УРФ-ОДАТЛАРИ ЎЗГАЧАМИ? Бу жиҳатдан ҳам Урганчнинг алоҳида томонлари йўқ ҳисоби. Ҳамма нарсада Хоразмнинг қадимий ва замонавий анъаналарига хослик ва мослик бор, холос.

Хўш, шундай экан, Урганчда қандай ўзига хос фазилатлар мужассам? Энг аввало юқоридаги ҳислатларнинг камоли мавжудлиги, ўзига хослигининг бош белгиси эмасми?! Иккинчидан, унинг жуғрофий жиҳатдан қулай жойда жойлашганлигидир. Шу туфайли Буюк ипак йўли анъаналарини давом эттирилишида Урганч муҳим роль ўйнаган ва ўйнаб келяпти. Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Россия ва Туркистоннинг бошқа шаҳарлари билан савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқаларни ўрнатишда ишончли кўприк бўлган эди. Бундан буён ҳам ана шу қутлуғ ишни давом эттириши мумкин. Яна бир эътиборга моликлиги шундаки, урганчликлар ҳаммавақт янгиликни ҳис эта билишган. Чунончи юз йил олдин ҳам бу ерда пахта, ёғмой заводлари қурилган. Бугунги кунда хорижнинг кўпгина жойлари билан ҳамкорлик қилувчи корхоналари бор. Эндиликда уларнинг сони тобора кўпайиб боряпти.

Хуллас, санайверсак унинг ҳислатлари кўп. Лекин энг асосийси урганчликларнинг меҳр-оқибатида ва меҳнаткашлигида, Бу хусусият улар обрўсини, ривожини, қолаверса бугунги кунини белгилаб турибди. Орол минтақаси ҳудудида истиқомат қилаётган шаҳарликлар ҳозирги фожеаларга шу боис бардош беряпти. Айни чоғда бу фожеаларни бартараф этиш учун ҳам кураш олиб боришяпти. Энг муҳими, уларнинг ижобий ҳал этилишига катта умид билан қарашяпти.

Урганчликлар тўрт йилдирки, сентябрь ойининг дастлабки якшанбасида шаҳар кунини нишонлашади. Бу галгиси ҳам ҳақиқий халқ сайлига айланиб кетди. Офтоб аввалгидай мунаввар нур сочади. Шаҳарликларга унинг ҳарорати янада зиёда, нурлари янада файзли туюлади. Қўшиқлари ҳам оҳангдор, наволари жозибадор, рақслари эса жилвакор. Чунки бундай ўзгачаликда Мустақиллик деган ширин, эҳтиросли сўзнинг жилолари товланиб, одамлар қалбини қувончлардан энтиктириб турибди.

Байрам куни шаҳарнинг кўча ва майдонларида тантаналар кеч оқшомгача давом этди. Унда қарийб ҳамма иштирок этди. Қўшиқлар жаранги, рақслар хиромонлиги, санъатнинг жозибаси, эпчиллик ва чопқирлик беллашувлари унга ғоятда файз киритди. Вилоят деҳқонлари эса урганчликларга ўз далаларида етиштирган оғир замин эҳсонларини бажонидил тортиқ қилишди.

— Урганч шаҳрининг навбатдаги байрамларини жумҳуриятимизнинг Мустақиллик куни билан бирга нишонлашга келишиб олдик, — дейди шаҳар партия комитети биринчи котиби, шаҳар Кенгаши раиси К. Саидов. — Қўш байрам ҳамшаҳарларимизга қўш қанот бўлаверсин. Улар мустақил диёрнинг мустақил фарзандлари сифатида нимаики кўнгилларига туккан, режалаштирган, орзу-умид қилган эканлар, ҳаммаси амалга ошаверсин.

Биз ҳам ана шу тилакка қўшиламиз.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

23 — 29 СЕНТЯБРЬ

«Ойнаи жаҳон»да кўринг

• Ҳар куни

● 8.25 Соғлом бўлай десанг (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ЎзТВ-I).

● 19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ЎзТВ-I).

● 21.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ЎзТВ-I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-4 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да ЎзТВ-II ва МТ-4 программалари орқали Марказий телевидениенинг информацион кўрсатуви.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30— ҳар куни МТ-4).

• 23, душанба

● ЎзТВ I

8.35 «Янги авлод танлайди». 9.50 «Марюс» Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 10.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Жазоир эртаги. 11.00 Футбол шарҳи. 11.50 «Савдо растаси» Тижорат хабарлари. 12.05 Давлат телерадиоси вокал-хор студияси П. И. Чайковский асарларини ижро этади.

14.40 «Ўн олти шаҳардан келган ўн олти қиз». Телевизион бадиий фильм. 15.50 «Агар сиз...» 16.35 Болалар соати. 17.35 «Ён дафтар». 17.40 Давлат телерадиоси матбуот марказида учрашув. 18.00 ТСН. 18.10 «Бозор: танлаш даври». 18.50 Футбол шарҳи. 19.20 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.10 Қора ва Ўрта Ер денгизи ҳавзаси мамлакатлари халқларининг фольклор этнография биринчи халқаро фестиваль-ўйинининг очилиши. 23.55 ТСН. 00.10 А. А. Фетга бағишланган кўрсатув. 01.15 «Марюс». Телевизион бадиий фильм, премьераси. 1-серия.

АШХОБОД

Кўрсатувлар 17.00 да бошланади.

• 24, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Сўғдиёна қизлари». Бадиий фильм. 9.50 «Волга ёдгорликлари». Телефильм. 10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.10 «Экология, Телеальманах. 18.50 «Қадрият». 19.50 «Мақом». Фильм-концерт. 20.20 Съездолди ўйлари. Ўзбекистон ёзувчиларининг X қурултойи олдидан. 21.25 «Спортлото». 21.30 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий ва мусиқа». 22.20 «Муҳаббат навоси». Спектакль.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

19.05 «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

00.05 Футбол. Олимпия турнирининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари.

● МТ — ОРБИТА-4

8.30 Болалар соати. 9.30 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 10.35 «Финист-балалайка» рус халқ чолғулари ансамблининг концерти. 11.45 Биржа янгиликлари.

13.45 «Телевикст». 14.45 «Жала» Телевизион бадиий фильм. 15.50 «Горница» (Москва) ансамбли ижро этади. 16.05 Телефильм премьераси. 16.35 Цирк! Цирк! Цирк! 17.10 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.25 «Болалар мусиқий клуби». 17.55 «Ён дафтар». 18.00 ТСН. 18.15 «Босқичлар». 19.00 «Қизиқувчилар олами». 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.20 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.10 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион премьераси: «Павел». 1 ва 2-серия-лар. Танаффус пайтида — Биржа янгиликлари. 23.05 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 5-кўрсатув. 23.30 ТСН. 23.45 «Мусиқий башорат». 00.15 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ДУШАНБЕ

Кўрсатувлар 17.45 да бошланади.

• 25, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм. 9.50 «Тоғдаги куз». Манзарали фильм. 10.00 «Кичик корхоналарга — кенг йўл».

18.10 Мультфильм. 18.30 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Китобим — офтобим» 19.00 «Тадбиркорлар». ,19.50 «Кафтдаги мусиқа». Телефильм. 20.00 «Театр ва замон». 21.25 «Камолот сари». Ўктам Яхёев, Гулсара Абдураҳмонова. 22.00 «Хорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт 23.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Фарҳод ва Ширин» достони ҳақида.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

19.05 «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

● МТ — ОРБИТА-4

8.35 «Чемпионлар билан биргаликда». 8.40 «Болалар мусиқий клуби». 9.20 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телефильм. «Павел». 1 ва 2-сериялар. 11.00 «Тверь тупроғида беш кун». 11.45 Менеджерлар мактаби.

14.40 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.45 Рус халқ оркестрининг яккахонлар квартети ижро этади. 16.10 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.10 «Ён дафтар». 17.15 «Планета». 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильм. 18.40 «Қайтиш». Чет элларда яшовчи ватандошларимиз томонидан санъат асарларини рус музейига қайтарилиши ҳақида. 19.10 «Кинопанорама». 21.10 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари. 23.00 ТСН. 23.15 Композитор Д. Шостакович туғилган кунинг 85-йиллигига. 7-симфония.

● ДУШАНБЕ

Кўрсатувлар 18.00 да бошланади.

• 26, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт. 9.00 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 10.00 «Бунёдкор».

18.10 Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 11-босқич. 19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.05 Лапарлар ва ҳазил қўшиқлари. 20.45 «Этюд». Телефильм. 21.25 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани». 22.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўр». Оилавий кўрсатув.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

19.05 «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

● МТ — ОРБИТА-4

8.30 Болалар соати. 9.30 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари. 11.45 ИИВ маълумотларига кўра... 12.00 Ишчан чопар.

13.45 «Телемикст». 14.45 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.50 Мультфильмлар. 16.20 «Биржа учувчиси». 16.30 И. С. Бах. Соль мажор 3-брандербургча концерт. 16.45 Ҳужжатли фильм. 17.10 «Ён дафтар». 17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 ТСН. 18.15 «Мансаб ибтидоси». 18.30 ИИВ маълумотларига кўра... 18.45 «Мэри Диэр»нинг ҳалокати». Бадиий фильм. 21.10 «Эфирда мусиқа». 1 ва 2-қисмлар. 23.10 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 6-кўрсатув. 23.30 ТСН. 23.45 «Мэри Диэр»нинг ҳалокати». Бадиий фильм.

● АШХОБОД

Кўрсатувлар 17.00 да бошланади.

• 27, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Шарқ ёдгорликлари». Ҳужжатли фильм. 9.00 «Саёҳат — тангароҳат». 9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.10 Мультфильм. 18.20 «Бу сирли олам». 19.00 «Депутат ва ҳаёт». 19.50 «Филон». Телефильм. 20.00 «Хорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт 21.25 Танбур наволари. 22.05 «Нигоҳ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

19.05 «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

00.10 Футбол. СССР чемпионати. «Локомотив» — МАСК. 2-тайм.

● МТ — ОРБИТА-4

8.30 Инновация. 8.45 «Кўҳна маёқ ҳақида афсона». Мультфильм. 9.05 «Мэри Диэр»нинг ҳалокати». Бадиий фильм. 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

14.45 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.55 «Голиблар». 16.55 «Юз йилликлар...» Телефильм премьераси. 17.25 Биржа янгиликлари. 17.55 «Ён дафтар». 18.00 ТСН. 18.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 19.00 «Шерик». 19.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 21.10 «ВИД» таништиради: «13 — 31», «Дело», «Эркак ва аёл, оила, озодлик ва севги ҳақида», «Музобоз», «Александр Малинин зиёфати». 00.25 ТСН.

● ДУШАНБЕ

Кўрсатувлар 17.45 да бошланади.

• 28, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 «Суюнчи». Бадиий фильм. 10.15 «Ўзбекистон спорти» 11.00 Араб тили. 14-машғулот. 11.30 «Қизил яримой шуъласи». 12.00 «Ҳужжатли экран». 12.45 «Чорраҳа». 13.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 14.25 Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференцияси.

17.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). Танаффус пайтида — Мультфильм. 18.50 Абдурауф ва Рустам Олимовлар концерти. 19.05 «Енисей дарёси бўйлаб». Телефильм. 20.00 «Режаметовлар сулоласи». Кинокўрсатув. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 Ўзбекистон куйларидан концерт. 22.50 «Алишер Навоий». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали.

9.00 «Муножот». Фильм-концерт. 9.40 «Навоий». Бадиий-публицистик кўрсатув. 10.40 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм. 11.50 «Замандас».

12.50 «Ўзбекистон машинасозлиги».

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). 2-тайм. 18.50 «Спринт». Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали.

19.05 «Безнен мирас». 20.10 «Меҳр шафқатли бўлайлик». 21.10 «Садои дил» ансамблининг концерти. 22.10 «Дўстлик экрани». 23.10 «Омолондаги шифохона». Телефильм.

23.30 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

● МТ — ОРБИТА-4

7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 ТСН. 8.20 «Улкан, зимистон ўрмонда». Телефильм премьераси. 8.45 «Здоровье». 9.15 «Ҳайвонот оламида». 10.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 10.30 Режиссёр А. Белинский фильмлари. «Телбанинг ёзишмалари». 11.40 «Бурда моден» таклиф этади...». 12.25 «Мангу муҳаббатга сазовор мамлакат». Москва Кремли». 4-фильм — «Кремль катта саройи». 13.00 «Иқтисодий агентлик». 14.25 ТСН. 14.35 «Сухов-Кобилин иши». Кўп серияли телефильм таништирилади. 15.20 Россия ёзувчиларининг съезди олдидан. 15.50 «Меросхўр». Бадиий фильм. 17.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18.30 Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.55 «Аёллар кийимини тикувчи». Бадиий фильм. 20.30 Информацион программа. 21.10 «Ретро» студияси. 22.10 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати. 22.55 «Европа плюс». 23.55 «Астра» таништиради: «У ҳаммани кечирди». Россиянинг сўнгги императори ва унинг оиласи ҳаёти ҳақида. 00.55 «Аёллар кийимини тикувчи». Бадиий фильм.

● АШХОБОД

Кўрсатувлар 10.35 да бошланади.

• 29, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома».

9.00 «Улуғбек хазинаси». Бадиий фильм. 10.35 Инглиз тили 11.05 Мактаб ўқувчилари учун «Ўйла, изла, топ!». 12.05 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Адабий кўрсатув. 12.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Одобнома» видеоканали.

18.00 Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Шифокор қасамёди». 19.45 «Ўзбекистон машинасозлиги». 20.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.25 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва санъат усталарининг концерти.

● ЎзТВ II

Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали

9.00 «Умид». 10.00 «Бурч» кўрсатуви. 11.00 «Қайсар қизнинг қуйилиши». Бадиий фильм. 12.25 Шоир Зоҳиджон Обидов ижодига бағишланган кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали

19.05 «Ижод саҳифалари». 21.10 «Қимизхона».

● МТ — ОРБИТА-4

7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 ТСН. 8.20 «Спортлото» тиражи. 8.35 «Сиз яратган боғ». 8.50 «Эрта саҳарлаб». 9.35 «Ватан хизматида». 10.35 «Тонг юлдузи». 11.35 «Саёҳатчилар клуби». 12.35 «Қишлоқ янгиликлари». 13.35 Ҳужжатли фильм. 13.45 «Сиз бунга қодирсиз». 14.45 «Большой» Америкада». 15.15 «Ер — она масканимиз». Фототанлов. 15.20 «Рок-сабоқ». 16.20 «Павловодаги овлар». Телефильм премьераси. 16.50 «Халқаро панорама». 17.35 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Конго эртаги. 17.40 «Уолт Дисней таништиради...». 18.30 В. Леонтьев куйлайди. 19.10 «Сухов-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильм. 1-серия. 20.30 Информацион кўрсатув. 21.10 «Брэйн ринг». Усмирлар турнири. Муром ва Самара командаларининг учрашуви. 21.55 Телевизион спорт оқшоми. 23.35 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати. 00.10 Гандбол. СССР чемпионати. Тур якунлари. 00.40 «1» мусиқий клуби.

● ДУШАНБЕ

Кўрсатувлар 9.00 да бошланади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ

1991—1992 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига СССР Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилганлар, биргина хўжаликдан камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган илғор колхозчилар, ишчилар ҳамда ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари бўлган умумий таълим мактабларининг битирувчилари хўжаликлар йўлланмаси билан қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби, контроль ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича мутахассисликлар тайёрлайдиган куллиётга эса ҳисоб ва контроль ишларида банд бўлиб, камида 2 йил шу соҳада меҳнат қилганлар қабул қилинади.

Дорилфунун қуйидаги соҳалар бўйича: агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия (селекция ва уруғчилик), мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехния, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжалиги, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, контроль ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), 8 дона фотосурат (3×4 см.), медицина справкаси (0—86, шаклда) меҳнат дафтарчасидан кўчирмани тақдим этадилар.

Агрономия мутахассислигига кирувчилар билан биология ва кимёдан, иқтисод, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжалиги мутахассислигига кирувчилар билан биология ва математикадан суҳбат ўтказилади.

Ўқиш муддати 8 ой.

Ҳужжатлар: 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбатлар 15 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилар сафига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кундузги тайёрлов бўлими битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчилар дорилфунунинг кундузги бўлими 1 курсига умумий таклиф орқали қабул қилинадилар. Манзилимиз: 700183, Тошкент шаҳри — 183. Телефон: 63-75-00.

Ўзбекистон Республика Фанлар Академияси
М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИЛМГОҲИ
1991 йил учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ: шакли ўзгарадиган қаттиқ жисм механикаси; суюқлик, газ ва плазма механикаси; машиналар, асбоблар ва аппаратуранинг динамикаси ва мустаҳкамлиги; машинашунослик ва машина деталлари; механизмлар ва машиналар назарияси; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш.

СИРТҚИ: шакли ўзгарадиган қаттиқ жисм механикаси.

Аспирантурага қабул муддати— 1991 йил 1 ноябрга.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси, аспирантура бўлими. Телефон 62-71-32.

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва машинасозлик олий билимгоҳида таълим олмоқчи бўлсангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА ҚЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИЙДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БЎЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфни битирувчилар ойига 115—150 сўм миқдорида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар машинасозлик олий билимгоҳига ўқишга юборилади.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қуйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар; 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилимиз: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 41-57-54.

Қўпайтирилган фоиз? — бу ҳақиқат

ЯГОНА ЙЎЛ: СССР ЖАМҒАРМА БАНКИДА МУДДАТЛИ ОМОНАТ ОЧИНГ!

Омонатнинг бу турига тўланадиган даромад жамғармангизни сақланиш муддатига боғлиқдир:
1 йилдан 3 йилгача — йилига 5 фоиздан;
3 йилдан 5 йилгача — йилига 7 фоиздан;
5 йилдан ортиқ муддат учун — йилига 9 фоиздан даромад тўланади.

Агар Сиз омонатингизни ўзингиз белгилаган муддатдан олдинроқ талаб қилиб оладиган бўлсангиз, бунда Сизга йилига 2 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Агар омонатингиз белгиланган муддатдан кўпроқ сақланадиган бўлсв, шартлашилган бутун сақланган муддатда Сизнинг жамғармангизга қўшиб ёзилиб турилади.

Омонтчи ўзи қўйган жамғармасининг қолдиғига қўшиб ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эгадир. Яъни 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга қўйилган омонат учун фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг тўлана бошланади ва худди шунингдек 2 ва 3 йилдан сўнг ҳам; 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга қўйилган омонат учун эса 3, 4 ва 5 йил ўтгандан сўнг, 5 йил муддатдан юқори бўлган муддатга қўйилган омонат учун 5 йил ўтгандан сўнг фоизларни олишга ҳақлидирлар.

СССР ЖАМҒАРМА БАНКИ — СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИЛМГОҲИ

лабораториялар бўйича

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

илмий ходимлар (3): юқори ҳароратдаги тадқиқотлар; **кичик илмий ходим:** кучли ўзаро таъсирларни моделлаштириш.

Танлов муддати — 5 октябргача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 2 «б» уй.

Маълумотлар олиш учун телефон: 35-40-82.

Ўзбекистон Республика Фанлар академиясининг

БОТАНИКА ИЛМГОҲИ
бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: фойдали ўсимликларни излаш ва муҳофаза қилиш (фан доктори ёки фан номзоди); шўрланган ерларнинг ботаник мелиорацияси (фан доктори ёки фан номзоди).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй. Танлов ҳайъатига, маълумотлар учун телефонлар: 62-70-65, 62-70-85.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

ЖУҒРОФИЯ БЎЛИМИ
бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Табиатни муҳофаза қилиш лабораторияси **илмий ходими** (1), **кичик илмий ходим** (1);

Ўлкани мажмуали Жўғрофик башоратлаштириш лабораторияси **кичик илмий ходими** (2);

Картография ва дистанцияли тадқиқот методлари лабораторияси **катта илмий ходими** (1), **кичик илмий ходим** (1); — ЭҲМ учун дастур тузиш тажрибасига эга бўлган.

Танлов муддати — 1 октябргача.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси, 85-уй. Телефон: 35-04-80.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «БИОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИЛМГОҲИ

уруғ физиологияси ва биокимёси лабораториясининг **кичик илмий ходими**

БЎШ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон Уруш ва меҳнат ветеранлари Республика Кенгаши Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Сирдарё вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси

Солижон АЛИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

2-Тошкент Давлат Тиббиёт олий билимгоҳи ректорати ва ижтимоий шўъбалари жамоаси соғлиқни сақлаш иқтисодиёти шўъбасининг катта ўқитувчиси Н. Ш. Шокировга онаси

Рисолат НОРТОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси кадрлар бўлимининг бошлиғи, адлия маслаҳатчиси О. Акбаровага муҳтарама волидаси

Умарова Мунамбархон ТОЖИҲОН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳурият телеқўрсатув ва радиоэшитириш Давлат қўмитасининг Бадиий жамоалари маъмуриятининг «Дуторчи» қиналар ансамблининг артисти Н. Носировага отаси

Тошан НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• 1991 йил—Алишер Навоий йили

ШЕЪРИЯТ ҚАСРИНИНГ МЕҲРОБИ

Буюк даҳо Навоийнинг бебаҳо асарлари билан ошно бўлиш, уларнинг мағзини чақиш, таҳлил этиш навоийшунос олимдан тинимсиз меҳнат, изланиш ва маҳоратни талаб қилиши, табиийдир.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Натан Маллаев навоийшунослигимизга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Олимнинг қатор асарлари борки, улар бевосита Алишер Навоий ижодига бағишланган Бу китоблар қалблардан абадий ўрин олган. Олим Навоийнинг 550 йиллик қутлуғ маъракасига бағишлаб «Сўз санъатининг гултожи» рисоласини яратди.

Мухбиримиз навоийшунос олим билан учрашиб, янги рисола ҳақида суҳбатлашди.

— Навоий билан бизнинг давримизни беш асрдан кўпроқ вақт ажратиб турибди, — дейди олим. — Унинг ижодиётини ранг-баранг гуллар билан жилваланган бепоён бўстонга, дуру гавҳарларга кон тубсиз уммонга ўхшатгим келади. «Хамса» эса ўзбек адабиёти тарихида энг юксак чўққи, чўққи бўлганида ҳам ягона. «Хамса»ни шеърият қасрининг меҳроби деб атагим келади.



Олим сифатида бетакрор асарни тез-тез қўлга оламан. Навоий қоғозга туширган инсоний маънавиятнинг моҳиятини уқиб олишга интиламан. Беш достонни сатрма-сатр ўқишнинг ўзи кифоя эмас. Уларни уқиш лозим.

Маълумки, «Хамса» қисқа фурсатда — 1483-1485 йиллар мобайнида яратилган. Достонлардаги сатрлар 51 минг мисрадан ошиб кетади. Янги рисолада беш достонни янгича таҳлил этишга уриндим. Асосий мақсадим — китобхон қалбига Навоийнинг сержило тафаккури маҳсулини бирма-бир етказишдир. Ижодий ютуғим билан мустақил республика ўқувчиларини хушнуд эта олсам, ўзимни бағоят бахтиёр деб ҳисоблайман.

Навоий шундай деб ёзган эди:

Умр зойеъ этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг қилди бил.

Ностаъб ўқувчи дидига мос янги рисола юзага келганлиги билан олимни Навоий тўйи арафасида чин дилдан муборакбод этамиз.

Суҳбатдош:

Ҳамид СУЛТОНОВ.

• *Муштарийларимиз хатларидан*

САЙРАМЛИК ОБУНАЧИЛАР

Қозоғистоннинг Сайрам районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги кўп тармоқли ва кўп миллатли. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш билан бир қаторда, улар саноат усулида қайта ишланмоқда.

— Халқимиз фаровонлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифамиз, — дейди Қозоғистон ССР Олий Кенгаши депутати А. Абдуазимов. — Икки йилда 200 дан ортиқ хонадон янги уй-жой билан таъминланди. Сайрамликларни қўшни Ўзбекистон Республикасида, хусусан унинг пойтахтида юз бераётган янгиланишлар қизиқтиради. Улар буни ўзбек тилида чиқадиган нашрлар орқали билиб турадилар. Хусусан, Республиканинг отахон рўзномаси «Ўзбекистон овози»ни кўпчилик ёқтиради. Бугунгача севимли рўзномага ёзилганлар сафи 200 дан ошиб кетди. Обуна мавсуми охиригача бу миқдор яна кўпаяди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

ОЛИМ ВА БОҒБОН ОРЗУСИ

• *Бир сурат тарихи*

Ризамат ота Мусамуҳамедов деганда бутун умрини, ақл-заковатини, куч-ғайратини, жўшқин меҳнат фаолиятини боғдорчиликка бағишлаган ажойиб инсон кўз олдимизга келади.

Ушбу суратда жумҳурият бош боғбони Ризамат ота машҳур академик Н. И. Вавилов билан бирга тасвирга олинган. Ҳа, бундан роппа-роса эллик беш йил олдин атоқли рус олими Тошкентга келганда Ризамат ота билан учрашган, унинг фидойи меҳнатига қойил қолган эди.

— Бундай ажойиб узумзорни биринчи марта кўришим, — деганди ўшанда академик Н. Вавилов. — Эндиликда Ўзбекистонда ана шундай боғ-роғларни нима қилиб бўлсада кўпайтириш керак. Ўйлайманки, бу ишда ўртоқ Ризаматнинг ёрдами жуда катта бўлади. Агар шундай узумзор боғлар сони мингга етказилса борми, учинчи беш йиллик вазифалари бажарилди, деяверинг. Тўғриси, бу Ризамат билан бирга ҳаммамизнинг ҳамжиҳат меҳнатимизга боғлиқ.

Атоқли олим бу сўзларни 1936 йилда айтган эди. Бироқ унинг истаклари рўёбга чиқмай қолди. Чунки худди ўша йилларда мамлакатдаги тоталитар (зўравонликка асосланган) давлат тузуми раҳбарлари Ўзбекистон халқи олдига СССР пахта мустақиллигини таъминлаш вазифасини қўйишди.

Ҳамма нарса, бутун эътибор пахта ялпи ҳосилини кўпайтиришга қаратилди. Республика халқи Иттифоқ ва собиқ социалистик лагерь мамлакатлари тўқимачилари олдидаги ўз байналмилал бурчини бажаришга бажарди-ю, лекин ўрнини қоплаб бўлмайдиган талофотларга учради.

Шу жумладан, қанча-қанча боғроғлар, узумзорлар йўқ қилиниб, пахта майдонига айлантирилди. Ачинарлиси, қайта қуришнинг дастлабки йилларида ҳам ички ликбезликка қарши кураш шиори остида минглаб гектар узумзорлар вайрон этилди.

Бироқ эл маъмурчилигини ўйлаган Ризамат ота сингари кишилар сарҳадсиз чўлу биёбонларга, тоғу қирларга жон бағишлаб, кўчат экиб, боғ барпо этишди. Эндиликда улар яратган боғлар ва узумзорлар мўл-кўл ҳосил бериб, эл-юртга ризқ-рўз улашяпти.

Ҳайрият, жумҳурият мустақиллиги эълон қилинган бугунги кунда академик Н. Вавилов, Ризамат ота Мусамуҳамедов орзулари қайтадан рўёбга чиқяпти. Пахта майдонлари қисқартирилиб, боғу роғлар кўпаймоқда. Дарвоқе, Ризамат ота «Ўзбекистонимизнинг тупроғи олтин, унда арабанинг гупчаги ҳам кўкараверади», дея ҳазил қилган бўлса-да, аслида тўғри айтган эди. Бугунги кунда шу тупроқда унинг издошлари, ихлосманд шогирдлари соҳибкор отахоннинг эзгу ишларини давом эттиришяпти. Улар яратган боғ-роғлар, узумзорлар эвазига юртимиз маъмурчилик, мўл-кўл мева-сабзавот масканига айланмоқда.

Аслиддин БОЛИЕВ.

ГУРУНГ

ХАЛҚ МИНБАРИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси номи мустақиллик муносабати билан «Ўзбекистон овози» қилиб ўзгартирилганлиги кўп сонли муштарийларнинг айни дилидаги гап бўлди. Бу ерда гап фақат номда эмас, унинг моҳиятида. Муштарийлар кўп йиллардан бери ана шундай бўлишини кутаётган ва таклиф қилишаётган эди. Мен бу рўзноманинг кекса ўқувчиларидан бириман, десам янглишмайман. Ҳар сафаргидек келгуси йил учун ҳам унга ёзилдим. Бугина эмас, рўзномани Тўрткўл районидаги аҳолиси ўртасида ташвиқот ва тарғибот ҳам қиляпман. Тўрткўлликлар «Ўзбекистон овози»ни ғоят қизиқиб ўқийдилар, бу ерда унинг ихлосмандлари кўп. Аммо шуни ҳам истардимки, муштарийлар сонини кўпайтириш учун рўзномани янада яхшилаш, унинг мазмуни ва мундарижасини ранг-баранг қилиш, чинакам халқ минбарига айлантириш даркор. Зотан, ҳар бир муштарий рўзнома саҳифаларидан ўзини қизиқтирадиган мақолаларни топиб, ўқийдиган бўлсин.

А. БЕКЧОНОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист, Улуғ Ватан уруши ногирони, Қорақалпоғистон радиосининг Тўрткўл районидаги мухбири.

• 64 катак сеҳри

НАЗАРИЙ БИЛИМ ҲАМ ЗАРУР

Доналар терилган катакларидаги ўзгаришларни илғаш, тахтадаги манзара ва томонлар мавқеини тасаввур этиш учун билим, кўникма ҳамда тажрибани оширишга тўғри келади.



Атиги е5 даги пиёдани d5 хонасига олиб қўйдик, холос. Оддийгина таҳлил, қора пиёдалар янги сифат кашф этилганлигини кўрсатади: энди улар нафақат ўзини ҳимоялашга, балки кўнгилдаги охирги горизонтал томон мустақил йўл олишга ҳам қодирдирлар. Масалан: 1. Крh4 d4! 2. Крg3 d3 (2...h4+ ҳам мумкин). 3. Крf3 h4 ва қора пиёдалардан бири фарзин бўлади. Оқ шоҳ «d» ва «h» пиёдаларнинг дам-бадам олга силжишига қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиб қолди.

Ҳаваскорлар эътиборини квадрат қоидасининг муҳим бир жиҳатига қаратамиз: шоҳ пиёдани қуваётганда квадратнинг исталган хонасига кириб олса кифоя.



Бу ҳолатда юриш қоралардалигида уларнинг шоҳи квадратга кириладиган учта юриш: Крg4, Крg5 ёки Крg6 дан битасини танлаши мумкин. Натижада бир хил дуранг бўлади.

Бундай имконият кўпинча шоҳ пиёда томон силжир экан унга бир вақтнинг ўзида бошқа мақсадларни кўзлашга ҳам йўл беради. Шу нуқтаи назардан қуйидаги мисолни таҳлил қилиб чиқамиз.



Шахмат тахтасининг геометрияси шундайки, оқ шоҳ чунончи е4 хонасига етиб бориш учун бир хил узунликдаги тўртта йўналишдан биттасини танлай олади ва ҳамма усулларда тўрт юришда е4 хонасига етиб боради. Оқлар худди шу жиҳатдан фойдаланади.

1. Крb5! Оқлар 2. Крс4 юриши «h» пиёдасининг квадратига кириб олиб, уни тўхтатиб қолиш хавфини туғдирмоқда. 1...h5. Қора пиёданинг квадрати анчагина кичрайиб (h5—h1—d1—d5), оқ шоҳ учун эришиб бўлмайдиган орзу бўлиб қолгандек кўринади... 2. Крс6! Оқлар янги таҳлика, яъни 3. Крb7! ўйнаб, ўз пиёдасини фарзинга чиқариш хавфини барпо қилмоқда. Қоралар, албатта бунга йўл қўймайди — 2... Крс8. Бироқ бу ҳолда 3. Крd5!, ва оқ шоҳ сеҳрли квадратга кириб олади. Шундай қилиб, оқлар олдинига эришиб бўлмайдигандек кўринган мақсадни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди. Тўғридан-тўғри Кра4—b4—с4—d4 ўйнаш тескари натижага олиб келишига ўзингиз ишонч ҳосил қила оласиз.

БУНИСИ — ВАЗИФА



Оқлар бошлаб ютади

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

МИННАТДОРЧИЛИК

• *ХОТИРА*

Маҳорати тобига етган, довруғи ошган кезларда бутун бир жамоа футболчиларининг ҳалокатга учраганлиги миллионлаб мухлисларни ташвишга солганди. Зеро, «Пахтакор—79» жамоасининг порлоқ хотираси қалбларга жо бўлиб кетган. 17 нафар пахтакорчини ёд олиб туриш учун хотира-соврини таъсис этилган бўлиб, мусобақалар ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Бу сафар ҳам «Хотира—91» Бутуниттифоқ мусобақасида бундан ўн икки йил аввал, ўша нохуш воқеа содир бўлган йилда туғилган болалар майдонда тўп сурдилар.

Кўплаб ташкилотлар ва мухлислар собиқ пахтакорчиларнинг оилаларидан хабар олиб, уларнинг ота-оналари, рафиқалари ва фарзандлари билан мулоқотда бўлиб турдилар, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўзбек футболининг ривожига катта ҳисса қўшиб, ўзига хос саҳифа очган пахтакорчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашда хайрихоҳлик қилаётган Совет—Италия қўшма корхонаси — «Совпластитал» бош директори Александр Мелкумов, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раиси Обид Назиров, Бангладеш мамлакатининг фуқароси, техника фанлари номзоди Муҳаммад Тоҳир Шоҳ, Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия қўмитаси раиси Рустам Хўжаевларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

«Пахтакор—79» жамоаси футболчиларининг оила аъзолари.

• *Қишлоқ оқшомлари*

«АГАР ФАҲМ НА БОШАД»

Маҳалла қўмитасининг раиси Тангир Ҳусанов қишлоқ шўросига «Ушбуни ёзишдан муродим шулки, мени расмликдан бўшатиб қўйинглар», деб ариза ёзди. Фақат «фалон сабабларга кўра» деган гапни атайин туширib қолдирди. «Фалон сабаблар» эса қишлоқдагиларга, ҳатто жамоа хўжалигининг раҳбариятига ҳам рўйрост маълум эди.

Қумқўрғон қишлоғида унча-мунча тартибсизликлар бўлаётгани тез-тез қулоққа чалиниб қолади: кимдир қўшниси ўтиб-қайтадиган йўлни бузиб қўйган, кимдир ота-онасини хафа қилган, кимдир хиралик қилиб тўйга келган меҳмонларнинг кўнглига озор етказган, майда безорилик қилган. Қишлоқ милицияси семиз папкасини қўлтиқлаб маҳалла қўмитасига маслаҳатга келишдан ўзга чора кўрмайди. Биров тартибсизликларни кўра туриб кўрмасликка олади. Иккинчиси ҳам шундай лоқайдликдан у ёққа ўтмайди. Ўттиз бир йил муаллимлик қилган, ёши олтмишни қоралаб қолган маҳаллақўм раисига бўлса ўша қайсар тартиббузарлар бурнини жийириб ўтишгани яна ортиқча. Шундай бўлгач...

Аризанинг «Қишлоқда аҳвол шу тарзда давом этаверса», деб бошланадиган жойи расмий баёнотга ўхшаб кетди. Бундан ҳамма ҳушёр тортгандай бўлди. Энди одамлар ишни пайсалга солмадилар — ҳалойиқни қишлоқнинг 2-бригадаси дала шийпонига йиғинга чақирдилар. Оқсоқоллар, фаоллар, колхозчилар шийпон ҳовлисидаги толнинг соясида чордона қуриб ўтириб олишиб бафуржа фикрлашдилар.

— Бир оғиз мен гапирай,— деди эскидан фаол бўлиб келган меҳнат фахрийси Ғаффор бобо Болтаев кўрсаткич бармоғини мажлис ҳайъати томон ниқтаб. — Болалар ота-оналарига итоат этмаяптилар, деб жар урамиз. Бўлмаган гап бу. Ота-оналарнинг ўзларидан ғазак қочаяпти. Болам, кечаси қаерга бораяпсан, деб сўраб, энди нима, бўйнимизга иснод халта осиб оламизми?!

Даврада жонланиш пайдо бўлди. Олдинига юз-хотир қиладиганлар ҳам энди гапнинг рўй-ростидан кела бошладилар. Фақат бир-икки чол ердан кўзини узолмасди. Ер билан битта бўлиб ўтиришди. Улар шу тарзда фарзандларининг қилмишлари учун «жавоб бердилар». Афсуски, оталарининг масак. Алламаҳалда қаерларда тентираб юрибсан деб суриштирмасак. Тўйники, тўполон деймиз. Дастурхонга тўкиб ароқ берамиз. Сўнг ўзимиздан кўрмаймиз-да, фалончи пиёниста маъракамни бузди, деб ўпкалаб юрамиз. Манманлик осойишталикни бузади. Осойишталик бузилган жойдан барака қочади. Кимки осойишта яшашимизга путур етказса...

— Тўппа-тўғри гапни айтяпти Ғаффор бобо — дея Қобил бобо деган ўрнидан туриб кетганини ўзиям билмай қолди. — Тартиб учун, эртанги кунимизнинг баракаси учун ҳаммамиз маҳкам турмоғимиз керак. Ғаффор бобонинг ёки Қобилбобонинг қишлоғи безорилар қишлоғи, ўғрилар қишлоғи дейишса, бу номимизга иснод бўлмайдими? Соқолимиз оқаюзини ерга қаратганлар бу ерга келишмаганди.

Мавриди билан маҳаллақўм раиси ҳам гап гапирди. Бу гал у арз-ҳол қилмади, куйинмади, «аризамга қўл қўйинглар» демади. Аксинча, одамлар унинг тарафида эканлигини кўриб қувонгандай бўлди. Демак, белни маҳкам боғлаб ишлайди.,

Йиғин сўнгида Шопўлат Азимов (бригадир) мезбон сифатида оқсоқолларга дастурхон ёзди. Хўжалик бошқарувининг раиси Эргаш Жумаев ҳозир бўлганларга ўзига хос ҳисоб берди. Раис тонналарни, гектарларни, даромадларни тилга олди. Бироқ бу рақамгўйлик илгариги «гектаридан қирқ беш центнердан пахта ҳосили кўтарамиз, ҳосилнинг тўқсон фоизини «зангори кема»лар билан йиғиштириб оламиз», деган гапларга ўхшамасди. Хўжалик бу йил 600 гектар ерда ғалла етиштирди. Жон бошига 50 килограммдан одамларга арзон нархда буғдой сотилди. Ғалладан бўшаган жойга фақат маккажўхори экилди. Бу ҳам фақат дон учун. Келаси йил буғдойзорлар минг гектарга етказилади. Жон бошига 100 килограммдан буғдой сотиладиган бўлади. Полиздан шинни, қовунқоқи тайёрлашга киришилади. Хўжалик ўз аъзоларига асал, парҳез гўшти сота бошлайди.

— Шу йилдан бошлаб чорвамиз учун омухта емни фақат ўзимиз ишлаб чиқарамиз, — дейди раис. — Ҳатто шахсий чорвага ем сотамиз. Бизга фақат бир нарса — осойишталик, аҳиллик керак. Ҳар қандай ваҳима, ҳар қандай миш-миш гапнинг бир тийинлик нафи йўқлигини фаросати борлар англаб етаяпти. Миш-миш тарқатиш асли дангаса одамга, ишёқмас одамга чиқарилган. Иши кўп одамнинг ваҳима қўлтиқлаб юришга вақти бўлмас. Рўдакий бобо бўлса керак, бир гапни зап боплаб айтган:

Агар фаҳм на бошад,
Дунё томоша бошад. —

деб ёзган. Биласизми нима маъно беради шу олтита сўз.

— Англадик. Қишлоғимизни томошахонага айлантириб қўймаймиз, — деб қолди оқсоқоллардан бири шоша-пиша.

«Гур» этиб кулги кўтарилди. Одамлар енгил кайфият билан ўринларидан турдилар.

О. УСАНОВ,
Қумқўрғон районидаги «Москва» жамоа хўжалиги.

• *Хоҳ ишонинг,*

ЗАРАФШОН УСТИДА УЧАР ЛИКОПЧА

Қизилқум саҳросида жойлашган Зарафшон шаҳри атрофида сўнгги пайтларда номаълум учар жисмлар пайдо бўлди. Бу ҳодисани ўрганиш билан шуғулланувчи Тошкент уфология маркази қизиқ тахминни олға сурмоқда. Ана шу тахминга кўра, номаълум жисмлар мазкур минтақага қандайдир энергиядан қувват олиш учун келар эмишлар. Бу энергия жуда чуқурликда ер пўстлоғининг синишидан ҳосил бўлар эмиш.

Уфология маркази директори Сергей Озодовнинг гапларига қараганда, номаълум учар жисмлардан бирининг учувчиси буни у билан учрашган одамга маълум қилган эмиш. Ҳар хил уйдирмаларга йўл қўймаслик учун уфологлар ўша гувоҳ сўзларини ёзиб олишибди. С. Озодовнинг хабар қилишича, Уфология маркази ихтиёрида учар ликопчанинг Зарафшон устидаги пайтини акс эттирган сурат бор эмиш.

Тошкент уфологлари ўтказган текширув натижасида ер юзасида 6,5х4 метр ҳажмдаги доира шаклидаги доғ аниқланган. Ундаги қумлар куйиб, тошга айланган. Олимларнинг фикрича, бу ер кема қулаб тушган жой бўлиши мумкин. Сергей Озодов илмий таҳлил қилишга қодир ҳар қандай тадқиқотчи ташкилотга ҳалокат қолдиқлари намуналарини беришим мумкин, деб айтди.

АЖИНА ВА ЭКСТРАСЕНС

Бир неча йилдирки, Молдованинг Бендера шаҳри фуқароларидан бирининг уйида ғалати ҳодисалар рўй беряпти. Уй бекасининг гапларига қараганда, унинг хонасига кириб олган иблис, бека йўқлигида бор нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб, ҳамма жойни титиб, ҳужжатларини яшириб қўяр эмиш. Ҳатто муҳофаза системасини ҳам узиб қўяркан. Бундан хабар топган шаҳарининг «Новое время» газетаси шундай ҳодисалар билан шуғулланувчи барча мутахассисларга мурожаат қилиб азобда қолган аёлга ёрдам беришни сўради.

Баъзи мутахассислар бу оддий тўполончи арвоҳ ҳаракати деган хулосага келишди. Бошқалар турли ғайри-табиий вазиятларни вужудга келтириш ёрдамида одамлар руҳиятини ўрганувчи техник қурилмалар таъсири, деб тушунтиришди. Бендерада машҳур экстрасенс Б. Фукс бўлса учинчи бир тахминни олға сурди. Унинг фикрича, уй бекаси қароғоҳига ўта рашкчи бўлган марҳум эрининг арвоҳи ташриф буюрган эмиш.

Экстрасенс уй бекасини иблис қутқусидан халос қилиш учун унинг онгига таъсир этишга қарор қилди. Бир неча муолажадан сўнг ғалати ҳодисалар юз бериши тўхтади. Уй бекаси эса ўзини анча яхши ҳис қила бошлади. Хоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг. Лекин далил аниқ: экстрасенс ажинани енгди.

(ИАН).

ХОҲ ишонманг

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисоднётва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.30.
№ 186.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12